
ФАРҒОНАДА “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА КУЗГИ ДАРАХТ ЭКИШ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Экошаҳар ҳудудида ташкил этилган 70 гектарлик “Янги Ўзбекистон” боғида дарахт экиш тадбирида иштирок этди.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан юртимизда бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида икки йил аввал Экошаҳардаги ушбу боғда экилган илк манзарали дарахтлар соя беришни бошлаганини қайд этиб, барчани Президентимиз бошлаган эзгу ташаббусни вилоятимизда намунали қилиб бажаришга чорлади.

Жорий йилнинг баҳор мавсумида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида вилоятимиз бўйлаб жами 9,9 миллион донадан зиёд дарахт ва бута кўчатлари экилган бўлса, куз мавсумида 40 турдаги 6,5 миллион донa манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экиш белгиланган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-10-20 20:48:44